

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Илхом ЖУМАНОВ ва Назира БОЙМУРОВА коллажи.

Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллик куни арафасида Президентимиз Фармонига биноан “Дўстлик” ордени билан тақдирланганимни эшитиб, бошим осмонга етди. Очиғини айтиш, бу биргина менинг эмас, балки туманимизда, энг аввало, ўз оиласининг тинч-тотувлигини таъминлаб, бахтли, саодатли умр кечираётган, қолаверса, турли соҳаларда ҳалол хизмат қилаётган минглаб мирзачўллик хотин-қизларнинг ҳам камтарона меҳнатига берилган шарафли мукофот деб ўйлайман.

Туманимиз аҳолисининг турмуш даражаси, ҳаёт, яшаш сифатини янада ошириш, оилани мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни

ЮРТИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, уй-рўзғор юмушлари ва ҳаёт тарзини энгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитларни яратиш мақсадида олдимизга бир талай вазифаларни белгилаб олганмиз. Бу борада ишлаб чиқилган дастур ва режалар ижросини таъминлашда жойлардаги хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотлари раислари фаоллик кўрсатиб келаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мам-

лакт, юрт тақдири ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом фарзандлар салоҳиятига боғлиқ. Таълим ва соғлиқни сақлаш масканлари, маҳаллалар ва оилалардаги маънавий муҳит кўмитамиз вакиллари ҳамда фаоллар, маслаҳатчи аёллар томонидан чуқур ўрганилмоқда.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни маънан етук ва баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида ҳар бир ўқув даргоҳи ва маҳаллада “Ораста қизлар” тўғ-

раклари ва давралари фаолияти кенг йўлга қўйилган.

Шахсан мен мустақил юрт фуқароси, ҳам она, ҳам аёл сифатида мамлакатимизда яшаётган барча хотин-қизларга Президентимиз раҳнамолигида давлатимиз томонидан яратиб берилётган барча имконият ва шароитлардан, рағбат ва эътибордан ниҳоятда мамнунман. Биз дунё миқёсида йил сайин обрў-нуфузи ошиб бораётган Ўзбекистонимиз билан фахрланамиз.

Мария САФОНОВА,
Мирзачўл тумани
ҳокимининг ўринбосари,
хотин-қизлар кўмитаси раиси.
“Дўстлик” ордени соҳибаси.




Дил изҳори

31 август — Катагон қурбонларини ёд этиш куни

МАНГУ ЭҲТИРОМ

Хотира уйғонса, гўзалдир. Азалдан шундай анъана борки, бизнинг халқ ўз аждодлари хотирасини муқаддас деб билган ва бу бебахо туйғу мустақиллик йилларида янада ўзгача аҳамият касб этди. Шу маънода 1999 йил 12 майда Президентимиз Фармойиши билан мустамлака тузум қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси тузилиб, ўша йилнинг июль ойида эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси (ҳозирда жамоатчилик фонди деб юритилади) ташкил этилганлиги савбонли ишларга дебеча бўлган эди.

2000 йил 12 майда пойтахтимизнинг Юнусобод тумани худудида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи очилди. Унда Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган буюк аждодларимизнинг ўлмас хотираси ўз аксини топди. Орадан кўп вақт ўтмай, ушбу зиёратгоҳда мил-



лий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этган "Қатагон қурбонлари хотираси" музейининг дастлабки биноси бунёд этилди. 2008 йил 5 майда Президентимиз имзолаган қарорга кўра, мажмуада кўшимча қурилиш ишлари амалга оширилиб, музей экспозицияси тубдан янгиланди.

— Биласиз, "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги илмий тадқиқот муассасаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналишлари — халқимиз тарихининг муҳим саҳифаларидан бири бўлган мустамла-

качилик даври, ўша даврда рўй берган воқеаларни, юртимизда яшаган кўп миллатли халқларнинг қатагон қилинишини бирламчи манбалар асосида атрофлича илмий ўрганиш ва музей воситалари билан акс эттириш, шаҳидлар хотирасини абадийлаштириш ва ёд этиш билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш, илмий тўплам, монография ҳамда рисоалар нашр этишдан иборат, — дейди "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи директори, "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди раиси Бахтиёр Ҳасанов. — Мажмуа йилнинг тўрт фаслида ҳам гавжум бўлишдан ташқари, музейимизга ўрта ҳисобда йилга қарийб 50 минг зиёратчининг ташриф буюриши ва уларнинг ақариятини ёшлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, йил сайин юртдошларимизнинг тафаккур дунёси бойиб бораётгани янада қувонарлидир.

Зеро, номлари мангуликка муҳрланган аждодларимиз хотираси олдида ҳар қанча ҳурмат ва эҳтиром кўрсатсак арзийди.

Ўз муҳбиримиз.

Хайрия

МУРУВВАТ ЮКЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллик шодиёнаси муносабати билан "Соғлом авлод учун" халқро хайрия жамғармаси биносида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи 14 нафар ногирон болалар иштирокида хайрия тадбири ўтказилиб, уларга махсус ногиронлик аравачалари, озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат махсус пакетлар топширилди.

Тадким этилган ногиронлик аравачалари АҚШнинг "Амери Керз" халқро ташкилоти томонидан юборилган бўлиб, жамғарма ушбу ташкилот билан 17 йилдан бери ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ушбу ташкилот томонидан жорий йилда умумий қиймати 23 747,3 АҚШ долларига тенг бўлган 550 та ногиронлар аравачалари жўнатилиб, буғунги кунда жамғарма ва унинг минтақавий филиаллари орқали республикамиздаги бир қатор тиббий, ижтимоий муассасаларга ҳамда кам таъминланган, имконияти чекланган аҳолига етказиб берилди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

ЎЗИГА ХОС ДАСТУРИЛАМАЛ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан Президентимиз томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоялар ва белгиланган устувор вазифалар ижроси борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, институт томонидан республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган демократик ислохот ва ўзгаришларнинг бориши, фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиши,

оммавий ахборот воситаларининг демократлашуви ҳамда либераллашуви жараёнларини чуқур ўрганиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва жойлардаги ижтимоий аҳамиятга молик муҳим вазифаларни ҳал қилишдаги ўрни ва ролини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар бажарилди. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, сайлов комиссиялари ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг вакиллари иштирокида ташкил этилган давра суҳбат ва семинарлар, конференцияларда жамиятимиз тараққиёти учун ўзига хос дастуриламал вазифасини ўтаётган концепция асосида ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳалари кенг муҳокама қилиниб, лойиҳаларни тақомиллаштиришга хизмат қилувчи таклифлар ишлаб чиқилган.

Шоҳида САЪДУЛЛАЕВА,
Самарқанд туман ФХДЭ бўлими мудири.

Жамият

ҲАММАНИНГ БУРЧИ

Ичкиликка ружу қўйиш, ҳар хил турдаги тамакиларни чекиш, гиёҳвандлик каби иллатларнинг пайдо бўлишига, уларнинг ёшлар турмуш тарзига кириб боришига йўл қўймаслик ҳаммамизнинг, айниқса, ота-оналарнинг энг масъулиятли вазифасидир. Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, чекиш ёки ичишнинг асл сабаблари, қизиқиш, тамаки, спиртли ичимлик таъмини татиб кўриш ҳамда катталарга тақдид қилиш ортидан келиб чиқар экан. Энг ачинарлиси, кейинги пайтда сигареталар мода кўринишларидан бири сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Машҳур Голливуд кино юлдузларининг лабида папирос билан расмга тушилари ҳамда бу суратлар интернет тармоқлари, газета ва журналларда реклама қилиниши ёшларга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шундай экан, бу каби иллатларнинг олдини олишда айрим самарали усулларни қўллаш фурсати етди. Масалан, турли тадбир ва тантаналарда спиртли ичимликлар истеъмол қилишни камайтириб бориш фойдали натижа беришини унутмайлик. Ёки оилаларда соғлом турмуш тарзини барқарорлаштириш, фарзанд тарбиясида намунавийликни йўлга қўйиш ҳам масъулиятни оширади. Шунингдек, маҳалла-кўй, ўқув юртлари ва ташкилотларда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларда кўпроқ ёшларнинг иштирокини таъминлаш зарур. Энг муҳими, мамлакатимизда спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотларини реклама қилиш ва сотилиш бўйича қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлашда ҳар бир фуқаро баб-баравар масъул эканлигини жамоатчилик ўртида кўпроқ тарғиб этиш лозим.

Нурия ШАХНАЗАРОВА,
Чилонзор тумани 6-сонли
ДНИ нотариуси.

КЕЧИККАН ТАРБИЯ КАСРИ

Ота-она учун фарзанд камолини кўришдан-да ортиқроқ бахт йўқ. Дунёнинг барча шодликларини биргина бола табассумига алмашгимиз келмайди.

Саксонинчи кузини қаршилаётган бувимдан эшитганим бор: Бир пайтлар уларнинг бир қўнчисига бойлик, топиш-тутишда ҳеч ким тенг кела олмас экан. Бу оиланинг ёлғиз ўғли бўлиб, у шунақанги эркатой бўлган эканки, асти кўяверинг. Ўғлининг тантик, дангасалигини онаси отасига кўрсатмасликка уринар, бирор нохуш иш қилиб қўйсаям онасининг ўзи тинчитаркан. Шу зайлда йиллар ўтибди. Ниҳоят ота бир куни ўз фарзандининг тарбиясини синаб кўрмоқ учун зиёлилар орасига чорлабди. Қарашса, айнан уч кун аввал ўғли бозорда бебош ўртоқлари билан бир бечорани тунашга уринган ва қўлга тушиб, аранг қўтилган экан. Йигилганлар даврасида ўша кунги зиёли ҳам борлигини сезмаган бола ўзини ҳамманин олдидан жуда илмли ва одобли кўрсатмоққа уринибди. Синов тугаб, ҳамма боланин тарбиясига тасанно айтишга чоғланган паллада ҳалиги жабрдийда киши бозордаги кўнгилсиз воқеани айтиб берибди. Ҳамманин қаршида мулзам бўлган ота шу чоғдаёқ ўқдек отилиб уйига чолибди ва топган мол-дунёсини ҳовли ўртасига олиб чиқиб ёқиб юборибди ва ёлғизгина фарзандига тарбия беролмаганидан ўксиниб йиғлабди...

Қиссадан ҳисса шуки, биз ҳам турли-туман юмуш, ташвишлар билан андармон бўлиб, ҳар қандай бойлиги мартабалардан устун тургувчи фарзандимизга ўз вақтида таълим ва тарбия бермоққа кеч қолмадикми? Бир кун, бир сониягина вақт ҳам ёш авлод тафаккурини ўзгартиришга қодирлигини кўп бора кўрдик, кимдир армонда қолди, яна кимдир йўл қўйилган хатолардан сабоқ чиқарди. Тарбияда кечиккан ота-она эртага жабрини тортади.

Солиха ЎРМОҶОВА,
Бўка тумани ФХДЭ бўлими мудири.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ПАХТАЧИ ТУМАНИДАГИ "ҚОРА МУСТАНГ" ХУСУСИЙ ФИРМАСИ ЖАМОАСИ

Ватанимиз тинчлиги ва тараққиёти, юртимиз ободлиги ва бунёдкорлиги гарови бўлмиш энг улғу ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг йиллиги билан барча ватандошларимизни чин дилдан қутлайди!

22

РЕКЛАМА



ЭЪЗОЗЛАР, АРДОҚЛАР УЧУН ТАШАККУР!

Зулфиячилар анжумани

Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, мукамал тарбиялаш, иқтидор ва истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг орзу-мақсадларига етишишларига қўмаклашиш борасида юртимизда олиб борилётган ишлар қўлама йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича тақдирларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши натижасида мамлакатимизда илгор, иқтидорли кизларнинг сафи янада кенгайиб, ижтимоий фаоллиги ошиб бормоқда.

2000-2013 йиллар давомида 196 нафар қизнинг 44 нафари адабиёт, 49 нафари маданият, 38 нафари санъат, 24 нафари фан, 41 нафари таълим йўналишларидаги ютуқлари учун ушбу нуфузли мукофот соҳибаси бўлганлиги эътиборга лойиқдир. Бугунги кунда уларнинг юз нафардан ортиги умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юрларида тахсил олмақда. 30 нафари ва зирлик, идора ва ташкилотларда, 10 нафари сиёсий партияларда, 10 нафари олий ўқув юрларида, 20 нафари марказий ва ҳудудий матбуот нашрларида фаолият юритмоқда. 7 нафари Президент стипендияси, 10 нафари Алишер Навоий, Ибн Сино стипендиялари совриндорлари, 20 нафари спортнинг турли йўналишлари бўйича Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионларидир.

Жорий йилнинг 30-31 май кунлари "Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни мамлакатнинг ижти-

мой-сиёсий ва иқтисодий, маданий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини кенгайтириш: "Ўзбекистон тажрибаси" мавзусида ўтказилган халқаро конференция доирасида Зулфиячи кизлар билан ўтказилган учрашувда машхур шоира, зиёли аёл номида иқтидорли кизлар учун ана шундай Давлат мукофоти жорий этилгани ва бу мукофот жалаҳон тажрибасида кам учрайдиган ноёб ижтимоий ҳодиса экани хорижий меҳмонлар томонидан алоҳида эътироф этилгани ҳам қувончли ҳолдир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида совриндорлар



фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш кенг йўлга қўйилган. Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган анжуман, мана икки йилдирки, кизларнинг жамият ҳаётида ўз ўрнини топишларига йўналтирилган ижтимоий-сиёсий мақсадни олға сураётган жараёнга айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22

йиллигига бағишлаб Ўзбекистон давлат консерваториясида "Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида ўтказилган навбатдаги анжуман байрам кечасига айланиб кетди. Унда Қонунчилик палатаси депутаты Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссия аъзолари, Хотин-қизлар кўмитаси Бошқаруви аъзолари, фаоллар, Менделеев олимпиадаси ғолиблари, Президент стипендияси ва бошқа стипендиялар совриндори бўлган ёшлар, ҳамкорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирнинг бадий қисмида турли йилларда санъат ва адабиёт йўналишидаги ютуқлари учун ушбу мукофотга лойиқ деб топилган кизларнинг мумтоз, чоғчилик, аънавий ижро, эстрада йўналишларидаги она-Ватан ва бугунги нури ҳаётни улғувчи қўшиқлари, шоира кизларнинг юртга бўлган меҳрни тараннум этган шеърлари янгради. Шунингдек, анжуман доирасида иқтидорли расом кизларнинг асарлари ҳамда фото кўргазма ташкил этилди.

**Замира Алиева,
Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университети талабаси:**

— 2012 йилда маданият ва спорт йўналиши бўйича совриндор бўлдим. Ҳозиргача қаратэ бўйича беш карра Ўзбекистон, уч карра Осиё



чемпиони деган шарафли номларга эришдим. Жаҳон чемпионатларида эса қумуш ҳамда бронза медалларини қўлга киритдим. Айти пайтда ўқиш билан бир қаторда 18 нафар ўғил-қизга мураббийлик қиламан. Асосий мақсадим, Юртбошимиз, халқимиз ишончини оқлаш.

**Бибиноз Каипова,
республика расомлик коллежи ўқувчиси:**

— Эсимда, менинг бўйим бошқа тенгқурларимга қараганда сал баланд бўлгани боис тўрт ёшимда дадам санъат мактаб-интернатига ўқишга олиб борган. У ердаги устозларим ёш бўлишимга қарамай, сабр-тоқат билан расомчилик сирларини ўргатишди. 2006 йили аввал Польшада, кейин эса Хиндистонда ўтказилган кўрик-танловларда қумуш медал ҳамда диплом билан тақдирландим.

— Ушбу анжуман менда

жуда катта таассурот қолдирди, — дейди пойтахтимиздаги Миробод тумани "Навбахор" маҳалласи маслаҳатчиси Феруза Тоҳирова. — Ёшларга яратиб берилётган имкониётлар доираси йил сайин кенгайиб бораётгани барчамизни қувонтиряпти. Демак, энг аввало, оиласида, маҳалла-қўй, бир сўз билан айтганда, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиш учун тинмай изланаётган қизларнинг кўнгилга сурур бағишлайди. Масалан, бизнинг маҳалламизда "Ораста кизлар" клуби аъзолари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ.

Дарҳақиқат, халқимизнинг суюкли шоираси Зулфияхонимнинг бир шеърисида шундай сатрлар бор:

*Эъозлар, ардоқлар
учун ташаккур,
Асли Сиз офтобим,
мен зиёсиман.
Тонларингиз кулсон
дорилон, хур,
Бахтим шу ўзбекнинг
Зулфиясиман!*

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан энг улғу, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси раиси Элимира Боситхонова қатнашди ва сўзга чиқди.

**Нигора РАҲМОНОВА,
Назира БОЙМУРОВА
(суратлар)
"Оила ва жамият"
муҳбирлари.**

— Мустақиллик, чин маънода бошқалар қатори бизларнинг ҳам ҳаёти-мизга ўзгача маъно-мазмун олиб кирди десам, янглишмайман, — дейди **"Маҳалла" хайрия жамоат фондидининг Бўстонлик туман бўлини маси раиси Тўрабой Раҳмонов.** — Айниқса, нуруний отахон ва онахонларнинг ўтмишида кечган ҳикояларини эшитиб, бугунги кунлар нақадар қадрли ва азиз эканлигига иймон келтирасан киши. Бошқа ҳудудлардагидек, бизнинг туманда ҳам йилдан-йилга ўзгариш ва янгиликлар кўпайиб бораётгани қувонтиради. Хув, кўм-кўк бўлиб ётган боғ-роғларни каранг. Эрта кўкламда барча ҳудудларимизда ана шундай яшил майдонлар ташкил этдик. Жами 196 928 дон дарахт кўчатлари ўтказдик. Шулардан 84 000 доннаси мевали дарахтлардир. Йигирма уч ярим минг туп гуллар туманимизнинг кўригига кўрк бериб турибди. Шунингдек, 6 та ҚФЙ ҳудудларига экиш учун "Маҳалла" жамоат фонди томонидан 1 027 туп манзарали ва 600 туп мевали дарахтлар олиб берилди. Бешта ҳудудимизда кичик боғлар ташкил этилди. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳар бири компьютер ва мебель жамланмалари билан таъминланди. Туман ҳудудидаги маҳаллаларда янги маънавий хизмат шоҳобчаларининг ишга туширилиши натижасида сартарош, тикувчи, пойафзал, маънавий ва ташкилий техникани таъмирловчилар сони ортиб, янги ишчи ўрин-

БЎСТОНЛИҚНИНГ БЎСТОН ГЎШАЛАРИ

лари яратилди.

Маҳаллаларимизда "Энг яхши маҳалла", "Энг намунали оила", "Намунали профилактика нозир ва маслаҳатчи" каби аънавий кўрик-танловлар ўтказилиб, бир қатор ютуқларни қўлга киритяпмиз. Маҳалла фаоллари эса шу баҳонада тажриба алмашишмоқда. Ҳудудлардаги мактаб, коллеж



ўқувчилари билан турли мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар ташкил этилиб, эрта ва қариндошлар ўртасидаги низоҳларнинг салбий оқибатлари ҳақида мулоқотлар ташкил этдик. Маҳаллалар билан маслаҳатлашган ҳолда, ҳомийлар томонидан 11 нафар болага ёзги

соғломлаштириш оромгоҳларига берилди.

Туман миқёсида амалга оширилаётган ишлар ўз навбатида маҳаллалардаги аҳолининг яшаш тарзини яхшилаб, турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

— Ҳазилант ҚФЙ да бугунги кунда 6876 нафар аҳоли 1332 та оилга бирлашиб, тинч-тотув истиқомат қилиб келаётир, — дейди **ҚФЙ раиси Бахтиёр Фуломов.** — Ҳудудимизда Собир Раҳимов номи ва Янги маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам фаолият олиб бораётган бўлса, уларда олтига миллат ва элат вакиллари ахил яшаб келишяпти. Турли мазмундаги тадбирлар, шу жумладан, ободонлаштириш билан боғлиқ юмушлар, тўй-томашаларда ҳам уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини кўриб кўпчилик хавас қилади. Эътиборли томони, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида ҳудудимиздаги қайта ишлаб чиқариш заводига 22 нафар касаначи бириктирилган бўлса, юздан ортиқ мавсумий ишчилар билан ҳам шартномалар имзоланган. Ўқувчилар

2013 йил — Обод турмуш йили

ёзги таътилни мазмунли ўтказишларини ташкил этиш учун мактабимиз ва маҳаллалар қришида тикиш-бичиш, компьютер, спорт тўғарақлари ташкил этдик. Албатта, бундай хайрли ишларни амалга оширишда маҳалламиз маслаҳатчилари Рисқи Сиддиқова, Дилфуза Хайитбоева ва масъул котибаси Азизахон Рисметоваларнинг хизматлари катта бўляпти. Тўй-ҳашам, маросим ва маъракаларни тартибли, қамқим ўтказишда ҳам бамаслаҳат ишляпмиз.

Бизнинг эл ичида обрў-эътибор топишимизда энг аввало, 1991 йилда шу маҳаллада раислик қилган раҳматли отам Нуриддин ака, ҳеч тиним билмайдиган онам Тўхтаҳон аянинг хизматлари беқиёс. Ҳам оилادا, ҳам жамиятда уларнинг бой тажрибаларини қўллаб, ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Бўстонликда ким билан учрашиб, суҳбатлашмайлик, ҳар бир замондошимизнинг юрагида бир дунё орзу-умидлар яшаётганига гувоҳ бўлдик. Энг қувончлиси, уларнинг барчаси бугунги шодмон, ёруғ кунларга шукрон айтиш баробарида, мустақилликни мустаҳкамлаш, маҳалла-қўй, оилалар тинчлиги, ободлигини таъминлашда фидойилик намуналарини кўрсатишяпти.

**Нигора ЭРКИН қизи,
"Оила ва жамият" муҳбири.**

— Буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий мақбараси зиёратига келган кўпчилик сайёҳлар бу ердаги бетакрор устунларни томоша қилаётиб, уларга берилган ажойиб нақшларнинг ўзига хослигидан таъсирланиб, бу қайси кўли гул устанинг ижодий салоҳияти намунаси эканлигини кўп бора сўрашар экан, — дейди номдор устанинг фарзандларидан бири Жаҳонгир ака Абдуллаев. — Ишонасизми, ҳатто отамнинг доврўғларини эшитиб, ўзларини бир кўриб кетиш учун Жанубий Корея, Покистон ва бошқа давлатлардан ҳам меҳмонлар Қўқонгача келишган. Шундай пайтда у киши камтарлик билан улуг сохибқирон

Абдугани АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Қахрамони, халқ устаси:

ВАТАН ЮРАКДА ЯШАСИН!

уста бўлганлар. Олти ёшда-лигимда отамиз вафот этган ва онам уларнинг асбобларини авайлаб асраб кўйган эканлар. Кичкиналигимда отамнинг устахонасига кириб, арра, ранда, тешаларини кўлимга олиб, ўзимча нималарнидир ясашга уриниб кўрганамми айтишарди. Ёшлиқдаги ўша кучли иштиёқ туфайли қурилиш техникумига ўқишга кирдим. Таҳсил

май, қувончимни ичимга яширолмаи, "Албатта", деганман. Ўша кунинёқ онамга бу хушхабарни айтганимда, у киши кўзларига ёш олиб, "Болам, улуг устознинг назарига тушибсан, ишончини оқлагин", деб хурсанд бўлиб дуо қилганлар. Ўша пайтда устозимиз 74 ёшда эдилар.

Шу-шу табаррук инсон яшаган хонадонда ўн йил яшаб, хунармандчилик сирасорларини пухта ўрганишга ҳаракат қилдим. Бир куни Қодиржон ака ёнига чорлаб, "Абдугани, энди ўзинг ҳам катта уста бўлиб қолдинг, сенга Сирдарё вилоятидаги театр қурилишидан иш олиб кўйдим. Дераза, эшикларга ўйма нақш тушириш керак", деди...

Биринчи мустақил ишим кўпчиликка маъқул бўлди шекилли, кейин кетма-кет буюртмалар ола бошладим. Бир умр хотирамда муҳрланган воқеа шу бўлдики, Юртбошимиз ташаббуси билан қайтадан тикланган ва дунёнинг ўнлаб давлатларидан келган меҳмонларни хайратга солиб келаётган Имом ал-Бухорий ҳазратлари мақбараси қурилишида бош уста этиб тайинландим. Тасаввур қилинг, ислом оламида доврўғ таратган ватандошимиз қадамжоларини обод этишдек шарафли ишга бош кўшишининг ўзи кишига гоятда улкан маъсулият юкларди.

2002 йилда эса Тошкентдаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуа ёнида "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи, Алишер Навоий номи-



даги Миллий боғ ҳудудида жойлашган «Маданият ва санъат кўрғазмаси» қурилишларида қатнашдик.

Эсланг, мустақиллик давригача халқ устаси деган унвон бормиди? Ёки қайси бир оддий хунармандга давлат томонидан имтиёз берилган эди? Ўзбекистон Қахрамони деган шарафли унвон сохиби бўлиш бизнинг хаёлимизга келганмиди? Камтарин меҳнатимизни қадрлаб, ана шундай эҳтиром ва рағбат кўрсатганликлари учун Президентимизга ташаққурлар айтаман. Бугунги кунда уч нафар ўғлимнинг иккиси уста бўлиб етишди. Насиб этса, фарзандларим ва чин маънода истиқлол замонида етишиб чиққан шоғирдларим бу машаққатли ва савобли соҳага дахлдор ишларни адо этишига ишонаман.

Ниятим, ҳар бир ватандошимизнинг юрагиде бу дунёда ҳар қандай бойликдан-да улканроқ ва қадрлироқ бўлган Ватан сурати абадий яшасин, муҳрлансин. Энг улуг, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 22 йиллиги барча юртдошларимизга муборак бўлсин!

Нилуфар САПАЕВА
ёзиб олди.



МАҚБАРА — юртимизнинг тарихий манзилларида қабр устига қурилган меъморий иншоот ёки тош тобут, даҳма ёхуд сағана "мақбара" сўзи билан ифодланади. Бу сўзнинг туб илдизи унинг шаклидан кўриниб тургани каби "қабр" сўзига бориб тақалади.

Шоҳи Зинда мақбараси.

Аҳмад Яссавий мақбараси.

ЎДАГА — бу сўзга халқ оғзаки ижоди намуналарида дуч келамиз. Адабиётшунос Тўра Нафасовнинг таъкидлашича, "ўдага" сўзи қадимда "бошлиқ", "сардор" деган маъноларни англатган ва ҳозир ҳам мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида бу сўз шу маънода ишлатилади. Эҳтимол, "ўдағайламоқ" деган феъл ҳам шу сўздан келиб чиққандир.

Алла, жоним, ўдага, ўзим бўлай садага.

Халқ кўшиқларидан

ЮЗОЧАР — никоҳ тўйи эртасига келин юзига тортилган ёпинчиқни очишга бағишланган маросим тилимизда қадимдан "юзочар" деб аталган. Удумга кўра, бу жараёнда келиннинг юзини кичкина болага очиришган.

Бу жойларда келиннинг юзочари жуда кизиқ ўтади.

Журналдан

МАСТАВА — тилимизда қатиқ солиб ичиладиган гуручли суюқ овқат маъносини билдирган "мастава" сўзи дастлаб "мостоба" шаклида бўлган ва ундаги "мост" — "қатиқ", "об" — "сув" мазмунини англатган.

— Аччиққина мастава пиширганман, ичиб кетинг, тумовингизни хайдайди, — деди Кундуз шошилиб турган эрига.

Журналдан

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.



бобомиз Амир Темур ҳазратларининг бутун дунё аҳлига маълум ва машҳур "Агар бизнинг куч-қудратимизга шубҳангиз бўлса, бизлар қурган иморатларга боқинг!" деган ҳикматли сўзларини қайта-қайта такрорлашни хуш кўради ва ўз кўллари билан безак берган ўнлаб бино ва зиёратгоҳларни санаб ўтади.

— Мен ёшлигимданок негадир уй-жой қуришга жуда кизиқардим, — дейди Абдугани ака биз билан суҳбатда. — Хунармандлик бизларга асли ота мерос касб. Падари бузрукворимиз синчкор

даврида устозларимиз бизларни раҳматли халқ рассоми Қодиржон Хайдаровнинг уй-музейига олиб борган. Муболага эмасу, лекин ўймакор устачилик соҳасида Қодиржон отага етадигани кам бўлганини кўпчилик ҳалигача эътироф қилади. Ўшанда кўзимга уларнинг хонадонидеги устачилик асбоблари жуда қадрдон туолган ва отамни эсланганман. Менинг ҳаяжон ичра турганимни сезган Қодиржон уста кутилмаганда "Менга шоғирд тушсанми?" деганлар. Мен ҳам кулоқларимга ишониб-ишон-



XALQ BANKI

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат
ХАЛҚ БАНКИ жамоаси халқимизни

мустақиллигимизнинг 22 йиллиги

билан табриқлайди!

Юртимиз тинч, турмушимиз янада фаровон,
осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!



Xalq banki - doim siz bilan birga!



**Мамлакатимиз иқтисодиёти-
ни тараққий эттириш йўлида
фидокорона меҳнат қилаётган
юртдошларимизга соғлиқ-
омонлик, бағрикенглик, ҳар
бир оилага тинчлик,
хотиржамлик
тилаймиз!**

РЕКЛАМА

Бекобод туманига қарашли Қиёт қишлоқ фуқаролар йиғини худуди Сирдарё вилояти билан туташиб кетган. Туман марказидан 60 километр олис масофада жойлашган бу қишлоқдаги ўзгаришлар бир қарашда сезилмаслиги мумкин. Аммо одамларнинг турмуш тарзи билан яқиндан таниша бошласангиз юртимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар бу гўшадаги ҳар бир хонадонга ўзига хос ободлик ва фаровонлик олиб кираётганига гувоҳ бўласиз.

— Йиғинимизда учта маҳалла бўлиб, уларда ўн мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди **Найман маҳалласи раиси Маҳмуд Қорабев**. — Мен бошқараётган маҳаллада тўрт минг нафарга яқин аҳоли 528 та хонадонда яшаб келмоқда. Шундан салкам икки мингга хотин-қизлар ташкил этади. Худудимизда 2 та мактаб, битта болалар боғчаси ва битта коллеж фаолият юритади. Бу ерда даярли ишсиз, бекорчи одамни учратмайсиз. Аҳолимиз асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Бундан тўрт-беш йил аввал маҳалламизда юз нафар ёрдамга муҳтож, эҳтиёжманд оилалар бор эди. Эндиликда улар 19 та қолди холос. Бунинг сабаби — худудимиздаги бешта фермер хўжаликлари ишсизларни иш билан таъминлашга яқиндан кўмаклашяпти. Ай-

ниқса, «Найман инвест» МЧЖнинг ишга тушгани натижасида кўпчиликнинг хонадонига барака кирди.

— Мустақилликнинг дастлабки йилида жойлардаги қаровсиз қолган объектларни хусусийлаштириш йўлга қўйилган эди, — дейди **«Найман инвест» МЧЖ раҳбари Абдурасул Рисбоев**. — Худудимизда ташландиқ ферма бор эди. Оила аъзоларимиз билан келишган ҳолда, имкониятимизни чамалаб чиқдик ва ўша жойни хусусийлаштириб, аввалги «Турон ашино» кичик корхонасини ишга туширдик. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик самара берди. Отамиз раҳматли олий маълумотли бўлсалар-да, оддий ишчиликдан турли лавозимларга бўлган босқичларни босиб ўтган, меҳнаткаш инсон эдилар. Оиламизнинг тўнғичи бўлганим учун кўпинча мен ота-онамга кўмаклашардим. Отамнинг эрта тонгда чиқиб кетиб, тун ярмидан оққанда ҳам уйга келмай, иш билан ушланиб қолганликларини онамдан эшитганим ҳамон ёдимда. Шунчалик ерга, элга меҳр бергандиларки, гоҳ қаттиққўллик,

баъзан босиқлик билан иш юритишлари бизлар учун ажойиб сабоқ бўлиб қолди. Тақдирни қарангки, падаримиз бошлаб кетган хайрли ишларни биз баҳоли қудрат давом эттиряпмиз.

Президентимиз биз тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиб берганликлари айниқса қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Масалан, 1992 йилдан 2006 йилгача «Турон ашино» кичик корхонаси аъзолари кўмағида турли маҳсулотларни чекланган ҳолда қадоқлардик, сут ва сут маҳсулотла-

ТАДБИРЛИ ТАДБИРКОР



рини кам миқдорда ишлаб чиқардик. Кейин истиқболдаги режаларни тузиб олдик. Чунки бизнинг қишлоқ катта ва ишчи кучи етарли, шунингдек, маҳсулотларга аҳолининг талаби йил сайин ортиб бормоқда. Ниҳоят, 2006 йили ишларимиз кўламини кенгайтириш мақсадида «Найман инвест» МЧЖни ташкил этдик. Яратганга шукрлар бўлсинки, бугунги кунга келиб, фаолият доирамиз янада кенгайди. Айни пайтда 20 нафар доимий, ўндан ортиқ мавсумий ишчиларимиз бор. Асосан, турли хилдаги мева-сабзавотларни ҳамда тоmat пасталари миннат қилмайди, сездирмайди. Эҳтиёжманд, кам таъминланган, кекса, ногиронларга кўлидан келгунича хайрия ёрдамлари кўрсатиб келяпти. Ана шундай саховатли, ишбилармон, узоқни кўра оладиган тадбиркорлар қанча кўпайса, юртимиз шунча обод бўлади ва гуллаб-яшнаверади, — дейди маҳалла фаолларидан бири Улугбек Бердиёров.

Бугуннинг одамлари

пасталари ва тузламалар тайёрлаш имкониятига эга бўламиз. Эришилаётган муваффақиятларда Уктам Шодмонов, Фотима Саидалиева, Гулбахор Бойтемирова, Боғдагул Солиевларнинг ҳиссаси катта. Худудимизда жойлашган Агросервис ва иқтисодиёт коллежи билан уч томонлама шартнома имзолаганимиз. Натижада, ўн беш нафар касб-хунарли йигит-қизлар иш билан таъминланади.

Фарзандларим Зиёвиддин ва Ак-

малжон аллақачон менга кўш қанот бўлиб яқиндан ёрдам беришяпти.

— Абдурасул акангиз билан турмуш қурганимизга салкам қирқ йил бўлди, — дейди **тадбиркорнинг умр йўлдоши Хайринисо опа**. — Икки ўғил, уч қизни ўқимишли қилиб тарбияладик. Ҳозир еттита неварамиз бор. Бу ёғини сўрасангиз, турмуш ўртоғим аслида кўли енгил шифокор, бир неча йил шу худудда аҳолига беминнат хизмат кўрсатдилар. Кейин йигит кишига қирқ хунар озлик қилади, деганларидек, тадбиркорлик соҳасида ҳам ўз кучини синаб кўриш учун иш бошлади. Нега десангиз, қайнонам узоқни кўрайдиган доно аёл бўлганликлари боис ўғлининг ўз касбидан кечиб, бутунлай бошқа бир соҳага ўтишига кўпм қаршилик билдирмадилар. Қайта: «Болам, ана энди ишлаганинг елкасига офтоб тегадиган замонлар келибди, қўлларингдан келгунича эл-ўрт фаровонлиги йўлида төр тўкинлар», деб оқ йўл тиладилар. Албатта, даромадга яраша буромад, деганларидек, меҳнатимиз роҳатини кўраямиз.

— Абдурасул Рисбоевни нафақат қишлоқдошлари, балки бутун туман аҳли яхши танийди, ҳурмат қилади. Энг ибратли жиҳати, у чин дилдан амалга ошираётган эзгу амалларини миннат қилмайди, сездирмайди. Эҳтиёжманд, кам таъминланган, кекса, ногиронларга кўлидан келгунича хайрия ёрдамлари кўрсатиб келяпти. Ана шундай саховатли, ишбилармон, узоқни кўра оладиган тадбиркорлар қанча кўпайса, юртимиз шунча обод бўлади ва гуллаб-яшнаверади, — дейди маҳалла фаолларидан бири Улугбек Бердиёров.

Нигора УРОЛОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Тошкент вилояти.
РЕКЛАМА ЎРНИДА

НИКОҲ СУДСИЗ БЕКОР ҚИЛИНМАЙДИ!

Оила билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий асослари истиқлол йилларида янги маъно ва мазмун касб этди. Жамиятда ушбу институтнинг ўрнини мустаҳкамлаш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, эр-хотин ўртасидаги турли мулкӣ, шахсий номулкий муносабатларни тартибга солиш мақсадида **Хуқуқ** қабул қилинган ҳам бу борада энг муҳим қадамлардан бири бўлди дейиш мумкин.

Айни пайтда ушбу йўналишдаги қонунчилик йил сайин изчил такомиллашиб бормоқда. Шу муносабат билан Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрда қабул қилинган «Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарори қайта ўрганиб чиқилди ва янги таҳрирдаги лойиҳаси тайёрланди. Унда никоҳни тугатиш асослари, аёл ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судлар эътиборга олиши керак бўлган ҳолатлар, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъволарнинг судловга тааллуқлилиги, даъво аризаларига қўйиладиган талаблар аниқ акс эттирилган.

Бундан ташқари, қарор лойиҳасида оилавий ҳаётдаги вақтинчалик келишмовчилик ва тасодифий сабабларга кўра, эр-хотин ўртасида келиб чиққан ихтилофлар, шунингдек, эр-хотиннинг жиддий сабаблар келтирмаган ҳолда никоҳ муносабатларини давом эттиришни хоҳламаслиги айтилган шунингдек, даъво асос бўла олмаслиги ҳақида тушунтиришлар ҳам ўз аксини топди.

Никоҳдан ажратиш ёки никоҳдан ажратишни рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарорига қўйиладиган талаблар ва эр-хотиндан ундирилиши лозим бўлган давлат божи миқдорини белгилашда эътибор бериладиган жиҳатлар, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилиши, судлар бундай даъво кўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасини аниқлаши, Оила кодексининг 49-моддасида кўрсатилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари қатъий бўлиб, уларни кенгайтириб талқин этишга йўл қўйилмаслиги ҳам қарор лойиҳасида белгиланган.

Маффуза ИСМАИЛОВА,
Ангрен шаҳар 2-сонли
ФХДЭ бўлими мудираси.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамира — 6 ой. 4 ойи ўқиб, 2 ойи амалиёт.
Ҳамира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 3 ой.
Торт ва пиширчиқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйгур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва депиляция - 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қутги ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, даррахлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқини тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзё 1-уй 31-хона.

МУЎЛАЖ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кучаси 4-уй 40-хона. МУЎЛАЖ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)


ЗАМАХШАРИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Ёки илми бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, аммо тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан.

Ёмон фикр соҳиблари ҳам, қуфрони неъмат қилувчилар ҳам ёввойи қобонлар мисоли Аллоҳ таолонинг мағфиратидан йироқдилар.

Одамнинг умри аввалида қилган ишлари умрининг охиридаги ишларига ҳам далолатдир.

Бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек, аҳмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди.



«SAM-ROS-KHOLOD» ЎЗБЕКИСТОН- РОССИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳлини

муствақилликнинг

22 йиллик байрами

билан самимий
муборакбод
этади!

*Сизларга сизхат-саломатлик,
бахт-иқбол, хайрли ишларни
амалга оширишингизда улкан
зафарлар ҳамда халқимиз
фаровонлиги йўлида олиб
бораётган фидойи хизматини-
нгизда омад ҳаммиша ҳамроҳ
бўлсин!*



РЕКЛАМА

КАФОЛАТЛАНГАН

МАҲСУЛОТЛАР

Ҳозирги кунда юртимизда фаолият кўрсатётган деярли барча савдо шохобчаларига кирсангиз аввало мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш имконияти мавжуд. Эътиборли жиҳати, четдан олиб келинаётган турли хилдаги товарларнинг республикамиз ҳудудига қонуний равишда олиб келиниши кафолатланган.

Маълумки, жорий йил 29 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган "Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида" ги қарорида белгиланган чора-тадбирлар ижросини изчил таъминлаш борасида ваколатли идоралар, шу жумладан, давлат солиқ инспекциялари томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қарорга асосан ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 2013 йил 1 июлдан бошлаб давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турлари рўйхати тасдиқланган ҳамда бу жараён ҳам қизгин

давом этмоқда. Шунингдек, рўйхатда кўрсатилган товарларнинг бир қисми бўлган ва унинг қийматига кирувчи истеъмол идиши ёки ўраимида бевосита чакана савдога тушувчи товарлар мажбурий тартибда маркировка қилиниши қатъий белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат тилида маркировка қилинган ва 2013 йил 1 июлгача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқарилган истеъмол товарлари давлат тилидаги ушбу маркировка билан чакана савдо тармоғида 2014 йил 1 январгача сотилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Солиқ хизмати ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудларда жойлашган савдо тармоқлари мутасаддилари ва турли субъектлар аъзолари билан мунтазам равишда мазкур йўналишда қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан профилактика, тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Асосийси, мазкур қарор мазмун-моҳияти хусусида етарли маълумотлар тарқатилмапти.

Мирсодик АХРОРОВ,
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани
ДСИ бўлими
бошлиғи ўринбосари.

ФАОЛИЯТ ҚОНУНИЙЛИГИ НАЗОРАТДА

Жараён

Пул маблағларининг чет элларга ноқонуний ўтказилиши белгиларини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси, Давлат божхона кўмитаси, Марказий банки бошқарувининг Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 12 июлдаги қарори асосида "Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида" ги Низом тасдиқланган.

Ушбу ҳужжатга кўра, эндиликда ваколатли банклар филиаллари миқозлар томонидан амалга оширилган маълумотларни, жумладан, резидентлар томонидан экспорт-импорт шартномаларида назарда тутилган мажбурийларни бажармаганликлари ва ётказиб бериш ёки тўлов муддатларига риоя қилмаганликлари учун контрагент-норезидентларга жарима тўланиши бўйича ахборотни, импорт шартномалари бўйича ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш, роялти бўйича тўлов, шунингдек, чет эл таъсисчиларига дивидендларни ўтказиб бериш ёки фойдани репатриация қилиш юзасидан тўлов амалга оширилиши бўйича ахборотни, шунингдек, норезидентларга улар юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси резидентларининг устав капиталидаги акциялар, улушлар (пайлар) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган кўчмас мулкни реализация қилганликлари учун тўловлар амалга оширилиши бўйича ахборотни ҳамда резидент томонидан кредит шартномаси (қарз шартномаси) бўйича норезидент фойдасига (халқаро молия институтлари ва чет эл банклари томонидан

берилган кредит (қарз)лардан ташқари) тўловлар амалга оширилиши бўйича ахборотни, жисмоний шахс — Ўзбекистон Республикаси резиденти томонидан жисмоний шахсларнинг хориждаги ҳисобварағига пул маблағлари ўтказмаси, агар бир календарь йили давомида ўтказма суммасининг эквиваленти 10 минг АҚШ долларида ортиқ бўлганлиги бўйича ахборотни, чет элдан жисмоний шахс — Ўзбекистон Республикаси резидентининг ҳисобварағига хорижий юридик шахслардан пул маблағларининг келиб тушиши бўйича ахборотларни хўжалик юритувчи субъект рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ҳамда бош ваколатли банка тақдим этади.

Бош ваколатли банклар ўзларининг филиалларидан келиб тушган маълумотларни умумлаштиради ва ҳар ойда, алоқа каналлари орқали йиғма маълумотларни электрон кўринишда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасига йил бошидан ўйиб бориш тартибиде жўнатадилар.

Шунингдек, Давлат божхона хизмати органларининг ҳудудий бошқармалари ҳар ойда, хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларининг ҳудудий бошқармаларига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасига ноқонуний фактлар аниқланган тақдирда маълумотни (шу жумладан, алоқа каналлари орқали электрон кўринишда) тақдим этадилар.

Шунингдек, Низомнинг 6-7 бандларига кўра, давлат солиқ хизмати органлари ваколатли банклар ва давлат божхона хизмати органларидан олинган маълумотни тах-

лил қилади ва валюта операцияларини (экспорт-импорт операциялари, маблағларни ўтказиш ва шу каби) амалга ошириш тартиби бузилганлик белгилари аниқланганда, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияларига мазкур шартномани тузган хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини текширишдан ўтказиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун талабнома билан муурожаат қилади.

Текшириш ва камерал назорати натижалари бўйича ҳуқуқбузарлик фактлари содир этилганлиги тасдиқланганда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар қўрилади ва текшириш материаллари қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

Ўтказилаётган текширишлар ва камерал назорати жараёнида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган тақдирда Давлат солиқ хизмати органлари бу ҳақда уч кун муддат ичида Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига хабар беради.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган ушбу тадбирларнинг барчаси юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операцияларининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва пул маблағларининг хорижда асоссиз ўтказилишини олдини олишга қаратилгандир.

Ш.УБАЙДУЛЛАЕВ,
Учтепа туман ДСИ
бўлим бошлиғи.



ХОТИРА ИМКОНЛАРИ

Табииёт отаси Абу Али ибн Сино болалигида онасидан "Нега осмон олдин катакчалардан иборат эди-ю, ҳозир ўша катакчалар йўқ?" – деб сўраган экан. Бунга сабаб ўша дамлар онаси ҳар хил ҳашаротлардан сақлаш мақсадида унинг юзига элак ёпиб қўяган экан. Кейинчалик ўша манзарани бўлғуси табиб кучли хотираси ёрдамида эслаб билган. Дарҳақиқат, хотира, имкониятлар кенг. Инсон 20 мингдан 100 минггача сўзни эслаб қолиши мумкин. Масалан, машҳур компьютер дастурчиси Билл Гейтс минглаб кодларни ёддан билади. Саркарда Александр Македонский эса аскарларни номма-ном санаб бера олган.



Хотирани чархлаш кундалик ишига айланиб қолган ёши 70 га етган актёрлар бутун бошли матнларни қийналмасдан ёдлай олади. Германия ва АҚШ каби бир қатор хоржий мамлакатларида нафақага чиққандан кейин талабага айланган қариялар кўплаб топилади. Улар одатда ижтимоий-гуманитар факультетларга ўқишга киришади ва ёш курсдошлари билан баравар машғулотларни ўзлаштириб, имтихонлар топширишади. Демак, хотира заифлашуви ёш билан боғлиқ эмас. Калифорния университети тадқиқотчиси доктор



М а р и о н Деймонд мия фаолияти устида изланишлар олиб бориб, инсоннинг кексайиши хотирадаги хужайра боғларини йўқотмайди, деган хулосага келган. Ҳатто, агар мия давомли равишда ишлаб, таълимга йўналиб турса, хужайраларро боғлар зичлиги янада мустаҳкамланиши хусусида қарашлар мавжуд. Шу ўринда хотиранинг сусайишига тобора ривожланиб бораётган технологиянинг таъсири йўқмикан, деган ўринли савол туғилади.

Халқимизда "Юз мартада ёд бўлади, минг мартада муҳр" деган нақл юради. Фақат мия ахборотни муҳрлаши учун унга вақтинча бошқа маълумот юкланмай турилиши лозим. Аниқланишича, киши онгида нотаниш сўзлар 30 сониядан кейин 14 мартаба қайтарилганда муҳрланиб қолар экан. Танаффус 10 дақиқани ташкил этганида эса тўрт марта такрорлаш кифоя қилади.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

УМР ЎТКИНЧИДИР...

Мактубдан парча:

"Ассалому алайкум, нима десам экан, мен — ўткинчи орзуларга умрини совурган бир муштипар қизман. Дардимни сизларга ёзиб адо қилолмайман. Уқиш даврида ва кейин ҳам кўплаб тагли-тугли хонадонлардан совчилар келишди. Билмайман, тақдир ҳукми шу эканми, ёки бошимизда бошпанамиз йўқлиги учунми, охири ёши катта қизга айландим. **Ёшим 39 да.** Маълумотим олий, ҳозир коллежда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Болаларни жуда яхши кўраман. Отам дунёдан ўтиб кетган. Укам уйланган, оилали. Онам ва укам билан бирга яшайман. Келинимиз ҳам эсли-хушли, тарбияли киз. Жиянларимни жуда яхши кўраман. Уларни катта қилишда келинимга ўзим қарашдим. Қанийди, ўзимнинг ҳам фарзандларим бўлса... Уйланиб ажрашган, олий маълумотли, 45 ёшгача бўлган Тошкент шаҳрида яшовчи эркак бўлса ҳаётимни боғламоқчиман.

ШАҲНОЗА,
Навой вилояти.

БУҲОРОДАН КУЁВ ТОПИЛСА...

— Бундан икки йил илгари қайн-опам уйимизга келиб, "Оила ва жамият" газетасида "Бахтли бўлинг" деган саҳифа бор, қизингизнинг хужжатларини топшириб келинг, деганида бу гапга унчалик эътибор бермагандим. Ушанда қизим 23 ёшда эди. Бугун опамнинг маслаҳатларига амал қилмаганимга афсусдаман. Ҳозир Лазиза **26 да.** У чақалоқлигида кўзида парда (катаракта) билан туғилган. Беш ёшга етганида операция қилиниб, парда олиб ташланди. Ҳозир кўзойнақ тақиб юради. Учинчи гуруҳ ногирони. Бўй-баста келишган, олий маълумотли. Университетни тамомлаб, болалар боғчасида рус тили ўқитувчиси бўлиб ишляпти. Ундан ташқари парда тикиш, пиширқ курсларига ҳам қатнаган. Қўлида ҳам дипломи, ҳам гулдай хунари бор. Ўтган йили синглисини узатдик.

Энди эса укасига навбат. Дадаси олдин Лазизани узатиб, кейин ўғлимизни уйлантирамиз дегани учун сизларга мурожаат қилайман. Қизимни ўзига ўхшаб, бирор камчилиги бор, (иложи бўлса

да мени эъозлайдиган, 35-38 ёшгача бўлган, инсон билан оила қуриб, фарзандлар камолини қўриб, бахтли яшашни истайман. **Ёшим 31 да.** Олий маълумотлиман. Коллежда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Бир нафар фарзандим бор.

ДИЛНОЗА,
Навой вилояти.

СОЧИДАН ТИЛИ УЗУН ЭКАН

Кўшимизнинг жияни Гулнорани тўйда кўриб, ёқтириб қолдим. Соchlари узун, қош-кўзлари популдек кина қиз экан. Уни укамга келин қилиб туширдик. Бир кун

уйга борсам, дарвозадан шангиллаган овоз эшитилди. Ҳовлига кирсам, олти ойлик келин укам билан шунақа гап талашяптики, оғир-босиқ деб ўйлаган келинимизнинг оғзидан чиққан сўзларни ёзишга уяламан. Яқинда қариндошимникига тўйга бораман, деб кетиб, тўрт кун келмабди. Укам нега шунча кун бесўроқ юрибсан, деса, мен хоҳлаганимча яшайман, кўлингдан нима келарди, дебди. Кейин жahl устида сенинг сочингдан кўра тилинг узун экан-ку, деб бир шапалоқ урса, кўчага чиқиб кетиб сочини ҳам кестириб ташлаб, тўғри уйига кетиб қолибди. Эртаси кун ота-онаси ҳе йўқ, бе йўқ, уйимизга келиб кўч-кўронларини машинага ортиб олиб кетишди. Шунча муросага чакирсак ҳам кўнишмади. Охири укам судга ариза бериб, қонуний ажрашди. Алишернинг ёши **27 да.** Касби дурадгор, уй-жойи бор. 25 ёшгача бўлган ўқимишли, сариштали, оғир-вазмин қиз чиқса, келин қилардик.

МУНОЖОТ,
Сурхондарё вилояти.



Бахтли бўлинг

кўзида) йигит чиқса, куёв қилмоқчимиз. Хўжайиним асли Бухоро вилоятидан. Қизим у ерга тез-тез бориб тургани учун кишлоқда яшашни яхши кўради.

КУМУШ опа,
Тошкент шаҳри.

МЕН СИНИБ КЕТМАДИМ

Мен ҳам бошқаларга ўхшаб, бир дунё орзулар оғушида турмушга чиққан эдим. Бирок... Тўйдан сўнг олти ой ўтгач, бирор тайин касб-хунари бўлмаган эрим ўртоқларига қўшилиб, хоризга кетди. Аввалига бир-икки марта телефон қилиб турди, мана энди уч йилки, ундан дом-дарак йўқ. Ўртоқларидан ўша ёқда бир аёлга илакишиб қолганини эшитдим. Ота-онамнинг ҳам сабр-тоқати тугаб, мени уйга қайтариб олиб келишди. Шўқрки, кўлимда хунарим, уйим-жойим бор. Оиласини қадрлайдиган, аёл сифати-

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» ружика хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Табиат — дорихона

УЗУМ

Аниқланишича, бир стакан узум шарбатида В витаминининг бир суткалик миқдори мавжуд экан.

Узум таркибида глюкоза, фруктоза, органик кислоталар, оксил, пектин, В₁, В₂, В₆, В₁₂, С, Р, РР витаминлари, каротин, флавоноидлар, фолат кислотаси, минерал тузлардан калий, кальций, магний, фосфор, темир, кремний, кобальт тузлари бор.

Дунё бўйича узумнинг саккиз мингдан ортиқ нави мавжуд бўлиб, жумладан, бизнинг юртимизда энг кўп истеъмол қилинадиганлари хусайни, оқ ва қора кишмиш, тойифи, ризамат ва бошқалардир.

Узум ва унинг шарбати ошқозон-ичак йўллари ҳамда меъда шираси фаолиятининг фаоллашишига самарали даво бўлади. Бундан ташқари, узум ўткир шамоллаш жараёнида нафас йўллари даволашда, бронхит астма ва зотилжамни бар-тариф этишда сезиларли даражада фойда беради.

Халқ табобати амалиётида ҳам узумнинг алоҳида ўрни бор. Яъни, узум билан қровуқ, буйрак, жигар, юрак, меъда-ичак касалликларига даво қўллаш мумкин. Шунингдек, подагра, бавосилни даволашда ҳам ижобий натижа берибгина қолмай, қон тўхтатиш, ўт ва пешоб ҳайдаш хусусиятига эга.

Халқ табобатида узум майизи билан пиёз ширасидан тайёрланган қайнатма томоқ бўғилишини даволашда ёрдам беради. Уни тинка қуришда, камқонликда, ўпка сили, зотилжам, астмага чалинганларга ҳам истеъмол қилиш тавсия этилади.

Ёнғоқ ва майизни тенг миқдорда гўшт қиймалагичдан ўтказиб, асал билан аралаштирилади. Ушбу аралашмани кунига уч маҳал овқатланишдан олдин 1 ош қошиқдан қабул қилинса, куч-қувват бахш этиб, жинсий майлни оширади. Одатда, бундай қувватбахш неъматни тайёрлашда қуёшнинг тигиз нурида етилган қора кишмиш узумнинг майизидан фойдаланилса, айни муддао бўлади.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Фойдали маслаҳатлар

Кўлингизни юваётганингизда инфекциялардан тўла халос бўлиши учун 30 сония давомида сувда тутиб туринг.

Инсульт белгилари кузатиладиган беморларга оғир ишлар қилиш ва пуфлаб чалинадиган чолгу асбобларини чалиш тақиқланади.

Юзи думалоқдан келган хонимлар доира шаклидаги катта зиракларни тақмагани маъқул. Бундай зираклар юзи узунчоқ аёлларнинг хуснига хусн қўшади.

Саргайган тишларни уй шароитида оқартириш учун 1 ош қошиқ асални 1 стакан қайнатилган илқ сув билан аралаштириг ва шу аралашма билан икки ой давомида уйкуга ётишдан олдин тишларингизни чайинг.

Сизни чарчоқ, уйқусизлик, кайфиятсизлик бевозта қилаётган бўлса, ялғизли чой дамлаб совутиг, сўнг муз ҳосил қилишга мўлжалланган махсус идишга қуйиб музлатинг. Кунига 3 маҳал ушбу муз бўлакчаларидан бир дона олиб шиминг. Қарабсизки, ҳаммаси сиз кўтгандек натижа беради.

Кийинги либосингиз кенгроқ бўлиб, бу сизнинг гашингизга тегаётган бўлса, белингизга камар тақиб олинг. Шунда унинг камчилиги сезилмайди.

Ўткир таъмили озиқ-овқатлар, гармдори, мурч ва сиркали салатларни кўп истеъмол қиладиганларда бавосил хасталигига чалиниш хавфи кўпроқ бўлади.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.

СОЛИҚ ТЎЛАШ МУДДАТИ ЎТСА...

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддатлари хақида маълумот берсангиз?

А. Жўраев,
Тошкент.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 277- ва 294-моддаларида мувофиқ, солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилнинг 15 октябрга қадар этиб белгиланган.

Мулкида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар, деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари ҳар йили 1 январь ҳолатига кўра кўчмас мулкка бўлган

хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган тақдим этадиган маълумотларга асосан ҳисоблаб чиқилади.

Солиқ тўловчилар ҳисоблаб берилган мол-мулк ва ер солиқларини белгиланган муддатларда тўламаган тақдирда, Солиқ кодекси талабларига мувофиқ тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан, муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда пеня ҳисоблашга сабаб бўлади. Пеня ундирилиши солиқ тўловчини солиқ тўлаш мажбуриятидан озод қилмай, аксинча, мажбур солиқ қарзига қўшимча равишда ундирилади.

Шу билан бирга жисмоний шахс томонидан ўз вақтида тўланмаган солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома бажарилмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари солиқ қарзини жис-

моний шахсдан ундириш тўғрисидаги ариза билан белгиланган тартибда судга муурожаат қилади ҳамда қарздорлик суд тартибда мажбурий ундирувга қаратилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 26-моддасига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғини мунтазам тўламай келган фуқароларнинг бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш хуқуқи бекор қилинади.

Шундай экан, жисмоний шахслардан олинандиган мол-мулк ва ер солиқларининг тўлов муддати — 15 октябргача эканлигини унутманг.

Равшан НАСИМОВ,
Давлат солиқ кўмитаси
Жисмоний шахсларга солиқ
солиш бош бошқармаси
бошлиғи ўринбосари.

Савол-жавоб

ЎЗБЕК ЖАНГ
САНЪАТИНИНИНГ
ЭЪТИРОФИ

АҚШнинг Орландо шаҳрида бўлиб ўтган XVI халқаро жанг санъатлари фестивалида ўзбек жанг санъати усталари Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Ўтган йиллар давомида ўнга яқин давлатларда ўтказилган халқаро мусобақаларда иштирок этган спортчиларимиз ўзбек жанг санъатини энди океанортида ҳам намойиш этишди. Спортчиларимизнинг миллий мусиқа садолари остида бажарган кўрғазмалли чиқишлари томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Фестиваль доирасида ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этган ҳамюртларимиз якка ва жамоавий машқ бажариш бўйича баҳсларда 5 та олтин, 4 та кумуш ва 8 та бронза медални кўлга киритди.

ФИЛИППОВ
БОШ СОВРИНИ
КЎЗЛАМОҚДА

Испаниянинг Барселона шаҳрида шахмат бўйича давом этган халқаро турнирда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган Антон Филиппов бош совринга даъвогарлик қилмоқда.

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ қоидалари асосида швейцарча тизимда ўтказилаётган нуфузли мусобақанинг "А" гуруҳида дунёнинг 39 мамлакатидан 310 нафар шахматчи ўзаро рақобатлашмоқда.

Таҷрибали гроссмейстеримиз Антон Филиппов дастлабки уч партида бельгиялик Роель Гуссенс, испаниялик ФИДЕ усталари — Эстебан Карилло Мотилла ва Марк Иберн Санчесни мағлубиятга учратиб, уч очко билан пешқадамлар сафида бормоқда.

Мусобақанинг голиб ва совриндорлари 1 сентябрь куни аниқланади.

ПЕШҚАДАМНИНГ
МАҒЛУБИЯТИ

Олий лиганинг 17-туридан ўрин олган баҳслари ниҳоясига етди. "Қизилқум" жамоаси пешқадам "Локомотив"ни 1:0 ҳисобида енгди.

Ўйинга кўшиб берилган дақиқаларда "Қизилқум" аъзоси Наврўзбек Алимов томонидан киритилган гол мезбонларга ғалаба келтирди. Шу тариқа зарафшонликлар чемпионат пешқадамини мағлуб этиб, ўзига хос сенсация қайд этишди.

Ушбу мағлубият турнир жадвалига ўзгартириш киритди. «Локомотив» учинчи ўринга тушиб кетган бўлса, «Бунёдор» биринчи, «Насаф» эса иккинчи ўринга кўтарилиб олди.

Интернет манбалари асосида
И. ЖУМАНОВ тайёрлади.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ НАРПАЙ ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ
ВА ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

РЕКЛАМА

мамлакатимиз халқини
Ватанимиз истиқлолининг 22
йиллиги билан чин юракдан
табриклайди!
Барчангизга мустақкам сиҳат-
саломатлик, ҳар бир оилага
хотиржамлик, меҳр-оқибат ҳамроҳ
бўлишини тилаймиз!

NUGA BEST

компаниясининг
- Ўзбекистондаги
масъул вакили энг
улуғ ва азиз байрам —
Мустақиллигимизнинг
22 йиллиги муносабати
билан барча юртдош-
ларимизни самимий
қутлайди!
Компаниямиз шиори —
"Соғлик — муҳаббат —
холис хизмат!"
Барчангизга
сиҳат-саломатлик,
бахту саодат ҳар
доим йўлдош
бўлишини
тилаймиз!

NUGA BEST

Умуртқа поғонасини
тўғрилаш

Соғлиқни тез тиклаш

Иш тартиби:
9-00 дан 18-00 гача
Шанба, Яқшанба дам олиш кунлари

Жанубий Кореянинг NUGA BEST компаниясининг массаж
жихозлари савдо-намоиш залида БЕПУЛ сеансларини
қабул қилишга таклиф қиламиз



Қон айланишини
яхшилаш

Асабини
тинчлантириш

Тошкент ш., Чилонзор, 12-мавзе, "Ширин" кўчаси, 54-уй
(мулк: Республика дизайнлик коллежи)
Контакт. тел.: (998 98) 362 19 99, (99894) 69 69 888
www.nugabest.uz e-mail: davroninat@mail.ru

1 ой байрам акцияси бўлиб ўтади.
Акцияда NM 2500 гиламини сотиб олганга
NM 30 ёстиқчаси совға сифатида берилади

NM 2500



NM 30

РЕКЛАМА

Маҳсулотлар сертификатланган
(№ 1338702) ва лицензияланган (US0298).

NUGA BEST массажери дунёда тан олинган мутахассислар томонидан турли хил касалликларни даволашда самарали деб топишган. Жумладан, у умуртқа поғонасини фаолияти ва эгилувчанлигини тиклайди (умуртқа поғонасини грижаси), юрак-қон касалликлари, қандли диабет, буйрак асоратлари, нафас йўллари сиқилиши (астма), оёқ қон томирлари кенгайиши (варикоз) асоратларини, бавосил (геморрой), аёллар касалликлари ва простатитни даволайди.


Паст частотали NUGA BEST камари орқали тери остидаги ёғлар эритилади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва «Соглом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди.
Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 15:00
Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон
МУСРОМОНОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги-
да 0169-рақам билан 11.01.07 йилда
рўйхатга олинган. Буюртма Г — 828. Формати
А3, ҳажми 2 табоқ, Адади — 6848. Баҳо-
си келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5